

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ИШЛАБ ЧИҚ ҚОЎЛ ҚОЎЛ ХАЛҚ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент давлат педагогика университети.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ТАСДИҚЛАШ ВА РАҚАМЛАШ ҚИЗМАТИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги _____ бўйича ўқув-услубий

бирлашмалар фаолиятига Мувофиқлаштирувчи вазирлигининг 2022 йил «28»
08 даги 5 - сонли йўналишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2022 йил «3» 08 даги 332 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

60110300 – БИОЛОГИЯ

ЖОРИЙ ЭТИШ

бакалавриат таълим йўналишининг


Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ва Ўзбекистон
Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

Маъжур Малака талаба олий таълимнинг Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамласи ва касб стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъравай-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

Тошкент – 2022



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат педагогика университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги _____ бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил «28» 08 даги 5 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил «9» 09 даги 302 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби олий таълимнинг Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкаси ва касб стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 60110900- <i>Биология</i> бакалавриат таълим йўналишининг тавсифи.....	4
1.1. Қўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1. 60110900- <i>Биология</i> таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 60110900- <i>Биология</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи.....	5
1.2.1. 60110900- <i>Биология</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	5
1.2.2. 60110900- <i>Биология</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3. 60110900- <i>Биология</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 60110900- <i>Биология</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 60110900- <i>Биология</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1. Битирувчи куйидаги умуммаданий компетенцияларга эга бўлиши лозим:	7
2.2. Касбий компетенциялар:	8
2.3. Фанга доир компетенциялар.....	8

1. 60110900- Биология бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

60110900- Биология таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш миллий малака рамкаси, касб стандартлари, кадрлар буюртмачилари талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб кундузги ва кечки таълим шаклларида амалга оширилади.

Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади.

Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил. Кечки таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4,5 (5) йил бўлиши мумкин.

Бакалавриат ўқув дастурининг ҳажми таълим шакли (кундузги, кечки), фойдаланиладиган таълим технологияларидан қатъий назар 240 кредит бирлигини ташкил этади.

Бир ўқув йили учун бакалавриат таълим дастурининг ҳажми 60 кредитни ташкил этади.

Мазкур йўналиш доирасида ўқув дастурлари ўзаро яқин бўлган бакалавриат таълим йўналишлари бўйича асосий ва қўшимча мутахассислик (квалификация) бериш амалга оширилиши мумкин. Академик гуруҳ танлови асосидаги траекторияга кўра квалификация университет илмий кенгаши томонидан тасдиқланади.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60110900- Биология таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 60110900- биология таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча педагогика соҳасида кадр тайёрлайдиган олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

– 60110900- Биология таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналиши(таркиби)нинг бакалавриат таълим йўналишларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 60110900 – Биология таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи.

1.2.1. 60110900 – Биология таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

- умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиси касб стандартига мувофиқ умумий ўрта

таълимда биология фани ўқитувчиси мақомида педагогик фаолият олиб бориш;

- ўрта махсус ва профессионал таълимда биология фани ўқитувчиси сифатида педагогик фаолият олиб бориш;

- Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида ҳамда мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш;

умумий ўрта таълим мактаби директори касб стандартига мувофиқ таълим муассасасини бошқариш;

- умумий ўрта таълим мактабларида лаборант сифатида фаолият юритиш каби комплекс масалаларни мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 60110900 – Биология таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

Умумий ўрта таълимда биология ўқитиш жараёни; биология таълимининг назарий масалалари, ўқитиш методикаси;

- лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш, лойиҳалаштириш ва таълим технологиялари асосида ўқув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш;

- мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари; маънавий-маърифий тарғибот ишлари жараёнлари.

1.2.3. 60110900 – Биология таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- педагогик;
- илмий-тадқиқот;
- маънавий-маърифий;
- ташкилий-бошқарув;

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. 60110900 – Биология таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60110800 – Биология таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Педагогик фаолиятида:

- ўқув жараёнини режалаштириш: ДТС ва ЎД ларининг мақсадларига мувофиқ ўқув режа ишлаб чиқиш, ўқувчиларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишларидан келиб чиқиб ўқув дастурларини мослаштириш, фанларни корреляция ва интеграция тамойилларига кўра режалаштириш, дарснинг аниқ мақсад ва натижаларига кўра дарс режасини ишлаб чиқиш, дифференциал ёндашув асосида дарс шакллари ва усулларини режалаштириш, ўқув, намойиш ва тарқатма материаллардан фойдаланишни режалаштириш;

- таълим самарадорлигини таъминлаш: дарс мақсадларига кўра ўқувчилар имкониятидан келиб чиқиб вазифаларни белгилаш, дарс мавзусига мос намойиш ва тарқатма материаллардан фойдаланиш, дарсда вақтдан унумли фойдаланиш, таълим жараёнида АКТдан унумли фойдаланиш, ўқувчиларнинг ўзлаштириш натижаларига кўра

дарсни ташкил этиш ва таълим беришдаги ёндашувларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш, ўқувчиларнинг таълимий мақсадлари ва ёш хусусиятларига мос келадиган ўқитиш усуллари ва ёндашувларни танлаш, ўқитишнинг фаол усулларидан фойдаланиш, ўқувчиларнинг асосий компетенциялари ва ҳаётий кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган усуллардан фойдаланиш, ўқувчиларнинг жамоавий ва лойиҳавий ишларини ташкил этиш, ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларидан фойдаланиш, ўқувчиларга дифференциал ёрдам бериш, назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш, ўқувчиларни мустақил фикрлаш имкониятини яратиш, дарсда мотивацияга эришиш, синфда самарали мулоқотга эришиш;

- **ўзлаштиришни баҳолаш ва қайта алоқани тақдим этиш:** таълим натижаларини баҳолаш учун турли усул ва воситалардан фойдаланиш, таълим натижаларини диагностика қилиш учун турли усул ва воситалардан фойдаланиш, таълим натижаларини таҳлил қилиш, дарс режаси ва усулларини мослаштиришда таҳлил натижаларидан фойдаланиш, баҳолаш мезонларини билиши ва амалда қўллаш олиши, мавжуд муаммоларни аниқлай олиши ва таҳлил қилиш;

- **тарбиявий фаолиятни ташкил этиш:** тарбиявий ишларнинг замонавий, интерактив шакл ва усулларини машғулот ҳамда синфдан ташқари ишларда қўллаш, тарбиявий ишларда ўқувчиларнинг жинси, ёши, маданий ва индивидуал хусусиятларини инобатга олиши, таълим муассасасининг устави ва ички тартиб қоидаларига мувофиқ ўқувчилар учун аниқ одоб-ахлоқ қоидаларини ўрнатиш, ижтимоий соғлом муҳитни ярата олиш, ўқувчиларда когнитив фаоллик, мустақиллик, ташаббускорлик, ижодкорлик фуқаролик позицияси, меҳнатга лаёқати, соғлом ва хавфсиз турмуш тарзи маданиятини ривожлантириш;

- **хавфсиз ривожлантирувчи таълим муҳитини яратиш ва таъминлаш:** ўқувчилар орасида ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, ўқувчиларга синф ҳаётида тенг имкониятлар яратса, низоли вазиятларда оптимал ечимли қарор чиқара олиши, ўқувчилар билан индивидуал ишлар олиб бориши, замонавий оммавий ахборот воситалари дунёсида хавфсиз ишлашга ёрдам бера олиш;

- **ўз-ўзини ривожлантириш ва касбий ўсиш:** мунтазам малака ошириш курсаридан ўтиш, фанга оид адабиётлар билан танишиб, янги билимларни амалиётда қўллаш, касбий фаолият юзасидан семинар ва тренингларда иштирок этиш ҳамда ташкил этиш, ўзаро дарсларда қатнашиш, дарсларни таҳлил қилиш, очиқ дарслар ўтказиш, касбий фаолиятда керакли ўзгаришларни амалга ошириш;

- **ҳамкасблар ва таълим олувчиларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан ҳамкорлик ўрнатиш:** ўқувчиларнинг ота-оналарини (уларнинг ўрнини босувчи шахсларни) таълим жараёнига мактаб ҳаётига жалб қилиш, ўқувчиларнинг ота-оналарини (уларнинг ўрнини босувчи шахсларни) ўқувчиларни ривожланиши ва таълим муҳити тўғрисида қарор қабул қилишда иштирок этишга жалб этиш, тарбиявий муаммоларни ҳал қилишда ва ўқувчиларни ҳаётга тайёрлашда бошқа педагогик ходимлар ва мутахассислар, жамоат ташкилотлари ва бўлимлари (Ёшлар иттифоқи) билан ҳамкорлик қилиш;

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- биология соҳасида илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

- биология фанларига доир интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш ҳамда амалиётга бевосита тадбиқ этиш;

- биология ўқитиш методикаси таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

–маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

–биологияга доир тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Маънавий-маърифий фаолиятида:

–маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;

–ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;

–глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

–маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;

–миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

–педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

–атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

–жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;

–фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;

–бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш қобилиятларига эга бўлиш.

2. 60110900 – Биология таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Битирувчи кўйидаги умуммаданий компетенцияларга эга бўлиши лозим:

2.1.1. Шахсий ўсишга интилишни шакллантириш ва объектив баҳолаш, шунингдек, таълим олувчиларнинг интеллектуал ривожланиш даражасини ошириш кўникмаларига қобилиятлилик.

2.1.2. Ижтимоий ва касбий вазифаларни ҳал этишда ижтимоий, гуманитар ва иқтисодий фанларнинг асосий қоидалари ва методларидан фойдаланишга қобилиятлилик.

2.1.3. Она тилида ўз фикрларини тизимли ва эркин баён этиш, илмий матнлар билан ишлаш, оммавий нутқ сўзлаш учун она тили ва чет тилларидан бирида ёзма ва оғзаки нутқ кўникмаларини эгаллаганлик.

2.1.4. Мулоқотга киришиш ва махсус матнларни тушуниш учун чет тиллардаги билимлардан фойдаланиш.

2.1.5. Ахборотни олиш, сақлаш ва қайта ишлаш метод, усул ва воситаларидан фойдаланиш; глобал компьютер тармоқлар билан ишлаш кўникмаларига эгаллик.

2.1.6. Ижтимоий ўзаро ҳаракатга киришишда таълим иштирокчиларининг этномаданий ўзига хосликларини ҳисобга олиш.

2.1.7. Ахлоқий меъёрлар ва маънавий маданиятни ўзлаштириш.

2.1.8. Илмий тадқиқотларни ташкил этиш, илмий билиш ютуқларига эришиш тамойилларини англаш;

2.1.9. Гигиена, экология, меҳнат муҳофазаси ва ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш қоидалари талабларига мувофиқ, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришга қобилиятлилик.

2.2. Касбий компетенциялар:

2.2.1. Ўқув-тарбия жараёнини моделлаштириш ва уни таълим амалиётига татбиқ этиш;

2.2.2. Турли ёш даврларида инсоннинг хулқ-атвори ва фаолиятини бошқаришнинг ўзига хосликлари, психик ва психофизиологик ривожланишнинг махсус қонуниятлари ҳамда индивидуал ўзига хосликларини ҳисобга олиш воситаларидан фойдаланиш қобилиятига эғалик;

2.2.3. Психологик ва педагогик тадқиқотларнинг миқдор ва сифат методларини эғаллаганлик.

2.2.4. Турли ёш гуруҳидаги болаларнинг ривожланиши, мулоқоти, фаолиятини ташхис этиш методларидан фойдаланиш қобилиятига эғалик;

2.2.5. Ўқитиш, тарбия, ривожланишнинг турли назарияларига доир билимлар, таълимнинг турли босқичларида ўқитиш дастурларидан фойдаланиш қобилияти;

2.2.6. Болаларнинг хилма-хил фаолиятини ташкил этиш усулларини эғаллаганлик;

2.2.7. Таълим жараёни субъектларининг биргаликдаги ҳамкорликдаги фаолияти ва шахслараро ўзаро ҳаракатини ташкил этиш усулларини эғаллаганлик;

2.2.8. Педагогик касбининг юксак ижтимоий аҳамият касб этишини тушуниш, касбий этика тамойилларига риоя қилиш;

2.2.9. Жамиятнинг ижтимоий-маданий тузилмасининг ўзига хосликлари, шунингдек, миллий тарбиянинг қонуният ва тамойилларини ҳисобга олган ҳолда, кўпмаданиятлилиқ муҳитида касбий фаолиятни ташкил этиш усулларини эғаллаш;

2.2.10. Касбий вазифаларни ҳал этишда фанлараро ва ваколатли тузилмаларнинг биргаликдаги фаолиятида иштирок этишга қобилиятлилиқ;

2.2.11. Касбий фаолиятда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий халқаро ва миллий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш қобилияти;

2.2.12. Танқидий фикрлаш методикасини ўзлаштирганлик;

2.2.13. Инклюзив таълимга қадриятли муносабатнинг таркиб топганлиги;

2.2.14. Таълим олувчиларга ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига мослашувчанликка доир компетенцияларни ривожлантиришга ёрдам берадиган ва фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга имкон берадиган натижавийлик ва мобилликка йўналтирилган ўқитишга қобилиятлилиқ.

2.3. Фанга доир компетенциялар.

2.3.1. Биология таълимининг ўзига хосликларини англаш, турли типдаги таълим муассасаларида ўқувчиларни ўқитишда узвийликни амалга ошириш воситаларини эғаллаганлик;

2.3.2. Биологиянинг назарияси ва амалиёти доир замонавий билимларни эғаллаганлик;

2.3.3. Биологияга доир билим, кўникма ва малакаларни қўллаш олиш ҳамда эғалланган таянч билимларни ўқувчиларга етказиш қобилияти;

2.3.4. Ботаника фанининг ўсимликлар олами (ботаника)га кириш, ўсимликлар морфологияси, анатомияси, физиологияси, систематикаси, келиб чиқиши; геоботаника ҳақида тасаввурга эга бўлиши, ўсимликларнинг табиатдаги ва инсон ҳаётидаги аҳамияти, уларнинг муҳофаза қилиш, доривор ўсимликлар ҳақида маълумотга эга бўлиш, Ўзбекистон “Қизил китоби”га оид билимлар ва уларни амалий масалаларни ҳал қилиш;

2.3.5. Экология ва атроф муҳит муҳофазаси ҳақида маълумотларга эга бўлиш, экологик маданият ва барқарор тараққиёт таълим масалалари, глобал экологик муаммолар ва уларнинг олдини олиш бўйича билимларни ўзлаштириш;

2.3.6. Микробиология фани, жумладан, бактериялар, ачитқи замбуруғлар, актиномицетлар ва вируслар ҳақида билимларни эғаллаш;

2.3.7. Биотехнология фани, жумладан, тирик организмлар ҳаёт фаолиятида иштирок этадиган барча кимёвий, физикавий ва биологик жараёнларни ўрганиш натижалари татбиқ этилган технологик жараёнларни ифодалашда биотехнологиядан фойданиш ҳақида билимларга эга бўлиш;

2.3.8. Қишлоқ хўжалигининг биологик асослари фанининг бўлимлари ҳақида маълумотларга эга бўлиш, экинларнинг биологик ривожланиш қонуниятларини билиши;

2.3.9. Зоология фанининг ривожланиш босқичлари, зоологиянинг асосий тип, синф, туркум, оила, авлод, турлари, кенжа турлари ва уларнинг асосий вакиллари тузилиши, табиатдаги ва инсон ҳаётидаги аҳамиятини билиши;

2.3.10. Одам анатомияси ва физиологиясининг ўрганиш методлари органлар ситемаси ва уларнинг физиологияси, гигиенаси, органлар системасини нерв ва гуморал йўл билан бошқарилишини, билиш;

2.3.11. Биологик кимё ва молекуляр биология фанининг зига хос томонлари, мақсад ва вазифалари, организмда кечадиган биологик ва кимёвий жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги, ДНК, РНК, АТФ, оксил, углевод, липидларнинг тузилиши ва вазифаси ҳақидаги маълумотларни билиш;

2.3.12. Биология ўқитиш методикаси фанининг мақсад ва вазифалари, ўрганиш методлари, ривожланиш қонуниятлари, ўқитиш принциплари ва қонуниятлари, ўқитиш методлари, биологик таълимда педагогик технологиялар, халқаро баҳолаш тадқиқотларини таълимга татбиқ этиш йўллари, биология ўқитиш воситалари, биология ўқитиш шакллари, биология ўқитиш жараёнида таълим тарбиянинг узвийлиги, биология ўқитишнинг моддий базаси каби маълумотларга эга бўлиш;

2.3.13. Генетика ва селекция фанининг мақсад ва вазифалари, ўрганиш методлари, ирсият қонунлари, ўзгарувчанлик ва унинг хиллари, селекциянинг инсон ҳаётидаги аҳамияти, селекция соҳасида эришилган дунё ва Ўзбекистонда эришилган ютуқлар, сермахсул зот, нав, штаммлар ва уларни яратиш усуллари ҳақидаги билимга эга бўлиш

2.3.14. Биологиядан масала ва машқлар ечиш фанининг ўқувчилар илмий дунёқараши шакллантиришдаги роли, ботаника, зоология, одам ва унинг саломатлиги, ирсиятнинг моддий асослари, нуклеин кислоталар, модда ва энергия алмашинуви, индивидуал ривожлани, ирсият қонунларига оид масалалар ечиш ва улардан дарс давомида фойдалана олиши кўникмаларига эга бўлиш;

2.3.15. Дарс жараёнида, тўғарақлар ташкил этиш, амалий ва лаборатория машгулотларида қўллаш, ўқувчиларни фан олимпиадасига тайёрлаш, кимё бўйича очик дарсларни ташкил этиш ҳамда ўтказишда соҳасидаги билимларни қўллаш олиш қобилияти;

2.3.16. Бутун ҳаёт давомида илмий-педагогик ва кундалик-турмушда ўз-ўзини такомиллаштиришга қобилияти.

Касбий квалификациялар:

Умумий ўрта таълим мактаблари, ихтисослашган мактаблар, лицей ва профессионал таълим муассасаларида биология фанларидан дарс бериш, таълим тизимида методист, ишлаб чиқариш объектлари ва ташкилотларда лаборант, фанлар академияларида лаборант-тадқиқотчи мутахассис квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

Шу жумладан, аудитория (контракти) ва мутахассис таълимнинг даражаси	40/60 нисбатдан 50/50 % нисбатига
Аттектация	8-15%
Таймиз	8-15%
Маълумотнинг аниқлиги	8-25%
Билгиларнинг аниқлиги	2-7%

Библиография маълумотлар

УДК 602:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таймиз сўзлари:
Давлат таълим оидлари, маънавият таълимлари, Умумий таълим, касбий фаолият соҳаси, касбий фаолият объектлари, касбий фаолият турлари, амалиёт, амалиёт объектлари, кадрлар сифати, юқлиги, таълим ҳажми

Ўқув даврининг умумий ҳажми куйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув даврлари	Ҳафта тақсимоти
Назарий ва амалий таълим	40-65%
<i>Шу жумладан, аудитория (контактли) ва мустақил таълимнинг нисбати</i>	<i>40/60 нисбатдан 50/50 % нисбатгача</i>
Аттестация	6-15%
Таътил	8-15%
Малакавий амалиёт	6-25%
Битирув малакавий иши	2-7%

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

Давлат таълим стандарти, малака талаблари, ўқув режа, компетенция, модуль, касбий фаолият соҳаси, касбий фаолият объекти, касбий фаолият тури, амалиёт, амалиёт объекти, кадрлар сифати, юклама, юклама ҳажми

Малака талабини ишлаб чиқишда фойдаланилган касб стандарти:

Касб стандарти номи	Касбий фаолият тури	Касб стандартининг кайд қилиш рақами	Касб стандартини амалиётга жорий этиш санаси
Умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиси	Умумий ўрта таълим педагогик фаолият	P.003.1286/И-21	23.08.2021 №332 ИЧ

Манба: Касб стандартлари реестри. Манба: Касб стандартлари реестри, <https://prof-standart.uz/uz/profStandart/1291>

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари
хамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент давлат педагогика университети



Ректор

2022 йил « _____ » _____

А.Киргизбаев

КЕЛИШИЛГАН:

Кадрлар буюртмачиси:

ОЎМТВ хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни тадбиқ этиш маркази

Директор

Ш.У.Якубов

2022 йил « _____ » _____

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги хузуридаги Республика таълим
маркази

Директор

Ш.Ш.Саттаров

2022 йил « _____ » _____

М.Ў.

Жиззах давлат педагогика
университети



Ректор

2022 йил « _____ » _____

М.Ў.

Қўқон давлат педагогика институти





Ректор

2022 йил « _____ » _____



М.Ў.

**60110900- Биология бакалавриат таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган
малака талаби мазмуни бўйича ишчи гуруҳи**

№	Ишчи гуруҳ раиси ва аъзолари	аъзоларнинг Ф.И.Ш	Лавозими, илмий даражаси ва унвони	Имзо
1	раис	Х.Ш.Кадиров	Низомий номидаги ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректори	
2	раис ўринбосари	К.А.Сапаров	Низомий номидаги ТДПУ Табиий фанлар факультети декани	
3	аъзо	Г.А.Шахмурова	Низомий номидаги ТДПУ Зоология ва анатомия кафедраси мудири	
4	аъзо	И.Т.Азимов	Низомий номидаги ТДПУ Биология ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири	
5	аъзо	Ў.Э. Хўжаназаров	Низомий номидаги ТДПУ Ботаника ва экология кафедраси мудири	
6	аъзо	У.Э.Рахматов	Низомий номидаги ТДПУ Биология ва уни ўқитиш методикаси кафедраси доцент в.б., PhD	

Ўқув ишлари бўйича проректор

Х.Ш.Кадиров

Ўқув-методик бошқарма бошлиғи

Ғ.А.Абдилакимов

Ўқув-меъёрий хужжатларни
такомиллаштириш бўлими бошлиғи

Б.Дж.Саттарова

Табиий фанлар факультети декани

К.А.Сапаров

Nizomiy nomidagi TDPU Tabiiy fanlar fakulteti 60110900 –Biologiya
bakalavriyat ta'lim yo'nalishi uchun tayyorlangan malaka talablariga

TAQRIZ

Mazkur malaka talab 60110900–Biologiya ta'lim yo'nalishi bo'yicha bakalavrlar tayyorlash kunduzgi, kechki va sirtqi ta'lim shakllari uchun mo'ljallangan bo'lib, barcha ta'lim shakllari bo'yicha o'qitish kredit-modul tizimi asosida tashkil qilinishi va kunduzgi ta'limda bakalavriyat dasturining meyoriy muddati 4 yil ekanligi ko'rsatib o'tilgan.

Pedagoglar jamoasi tomonidan taqdim etilayotgan malaka talabning birinchi bandida 60110900–Biologiya bakalavriyat ta'lim yo'nalishining umumiy tasnifi, malaka talabni qo'llanish sohalari, malaka talabning asosiy foydalanuvchilari, biologiya ta'lim yo'nalishi bo'yicha bakalavrlar kasbiy faoliyatlarining sohalari bo'yicha fikr yuritilgan bo'lib, unda bakalavrlar kasbiy faoliyatlarining obyektlari, kasbiy faoliyatlarining turlari, bakalavrlarning kasbiy vazifalari aniq bayon etilgan.

Malaka talablarining ikkinchi bandida biologiya ta'lim yo'nalishi bo'yicha bakalavrlarning kasbiy kompetensiyalariga qo'yiladigan, xususan, umumiy va kasbiy kompetensiyalar haqidagi mulohazalar keltirilgan, uchinchi bandi esa 60110900–Biologiya bakalavriyat ta'lim yo'nalishi o'quv rejasi va fan dasturlari mazmuniga qo'yiladigan umumiy talablarga bag'ishlangan bo'lib, biologiya bakalavriyat ta'lim yo'nalishi o'quv rejasi va fanlar dasturlariga qo'yiladigan umumiy talablar, biologiya bakalavriyat ta'lim yo'nalishi o'quv rejasidagi yuklama hajmi so'zlarda keltirilgan.

60110900–Biologiya bakalavriyat ta'lim yo'nalishi bakalavriyat ta'lim yo'nalishi o'quv rejasi va fanlar dasturlari ta'lim yo'nalishi bo'yicha bakalavrlar kasbiy faoliyatlarining tavsifi hamda kasbiy kompetensiyalariga qo'yiladigan talablarga muvofiq, talabalar majburiy va tanlov fanlarini o'zlashtirishi, amaliyotlarni o'tishi va natijada kasbiy faoliyatida zarur bilim, ko'nikma va malaka kompetensiyalarini egallashini ta'minlovchi mazmunda ishlab chiqilgan.

O'quv reja kredit-modul tizimi asosida shakllantirilgan bo'lib, unda o'quv jarayoni grafigi, haftalar kesimida o'qish vaqti, attestatsiyalar, amaliyotlar, ta'tillar, semestrlar bo'yicha o'tiladigan "Tabiiy-ilmiy va gumanitar fanlar", "Umumkasbiy fanlar", "Maxsus fanlar", mashg'ulotlar turlari, ajratilgan soatlar, kreditlar, fanlar kodi, Davlat attestatsiyasi va boshqalar to'liq aks ettirilgan.

Ushbu malaka talablari biologiya ta'lim yo'nalishining bugungi kunda qo'yilgan talablariga to'liq javob beradi va uni foydalanishga tavsiya etaman.

JDPI "Biologiya va umi
kafedrasi mudiri, b.f.f.



D. Azimova
S.07.2022.